

Куч-адолатда

Аدل ила олам юзин обод қил

2020 йил
23 октябрь,
жума
№ 40 (813)

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг ҳуқуқий газетаси

http://www.sud.uz

1998 йил 29 августдан чиқа бошлаган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

ЭКСПОРТ ФАОЛИЯТИНИ МОЛИЯВИЙ ҚўЛАБ-ҚУВВАТЛАШНИ ЯНАДА КЕНГАЙТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТўҒРИСИДА

Республика ижтимоий-иқтисодий тараққиётининг ҳозирги босқичида экспорт ҳажмларини кўпайтириш орқали макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш, тайёр маҳсулот етказиб берувчиларни қўшимча молиявий ва ташкилий рағбатлантириш, шунингдек, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини "Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили"да амалга оширишга оид Давлат дастурида белгиланган вазифаларни бажариш мақсадида:

1. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ 2022 йил 1 январга қадар **Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси** экспорт қилувчиларга, шу жумладан, асосий фаолият тури савдо-воситачилик бўлган экспорт қилувчиларга:

а) экспортолди молиялаштириш, шу жумладан, айланма маблағлар учун ажратиладиган кредитлар бўйича тижорат банки томонидан белгиланган **кредит фоиз ставкаси ва миқдоридан қатъи назар:**

миллий валютадаги кредитлар бўйича фоиз ҳаражатларининг **50 фоизгача**, бироқ **10 фоиз** банддан кўп бўлмаган миқдорда;

чет эл валютасидаги кредитлар бўйича фоиз ҳаражатларининг **50 фоизгача**, бироқ **5 фоиз** банддан кўп бўлмаган миқдорда **компенсациялар тақдим этади;**

б) тижорат банкларининг экспортолди молиялаштириш, шу жумладан, айланма маблағлари учун бериладиган кредитлари бўйича кредит суммасининг **50 фоизгача**, бироқ **8 миллиард сўмдан** ошмаган миқдорда кафилик беради;

в) ижобий кредит тарихига эга бўлса, аввал олган кредитлари бўйича қарздорлиги бўлишдан қатъи назар, экспортолди молиялаштириш, шу жумладан, айланма маблағлар учун **қўшимча олинадиган кредитлари бўйича** мазкур бандда белгиланган миқ-

дорлар ва шартларда компенсация ва (ёки) кафиликлар тақдим этади;

г) тақдим этиладиган кафиликлар бўйича комиссия тўловларини **икки бараварга камайтирилган** миқдорда ундиради.

2022 йил 1 январдан бошлаб Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси томонидан экспорт қилувчиларни қўллаб-қувватлаш Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 24 майдаги ПҚ-4337-сон "Экспорт фаолиятини молиялаштириш ва сугурта ҳимояси механизмларини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарориди белгиланган тартибга мувофиқ амалга оширилсин.

2. Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ҳузуридаги Экспортни рағбатлантириш агентлигига (кейинги ўринларда — Агентлик) қуйидаги **қўшимча вазифалар** юклатилсин:

тижорат банкларига экспорт билан боғлиқ савдо операциялари ва экспортолди молиялаштириш кредитлари учун **молиявий ресурслар ажратиш;**

халқаро молия институтлари, хорижий ҳукумат молия ташкилотлари, хорижий банklar ва молия компанияларидан **экспортолди молиялаштириш учун маблағлар жалб этиш** ишларини ташкиллаштириш.

3. Агентликка юкланаётган қўшимча вазифаларни амалга ошириш учун унинг ҳузурида юридик шахс ташкил этмаган ҳолда ресурс базаси қуйдаги манбалар ҳисобидан шакллантириладиган **Экспортни қўллаб-қувватлаш жамғармаси** (кейинги ўринларда — Жамғарма) ташкил этилсин:

Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси маблағлари ҳисобидан қайтармаслик шарти билан **100 миллион** АҚШ доллари;

халқаро молия институтлари, хорижий ҳукумат молия ташкилотлари, хорижий банklar ва ҳусусий молия компанияларининг қарзлари;

Жамғарма маблағларини тижорат

банклари депозитларига белгиланган тартибда жойлаштиришдан тушадиган даромадлар;

қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар.

4. Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси **бир ой муддатда** мазкур Фармоннинг 3-бандида назарда тутилган 100 миллион АҚШ доллари миқдоридagi маблағнинг 50 фоизини бошланғич капитални шакллантириш учун Жамғармага ажратилишини таъминласин.

5. Белгилансинки: ушбу Фармонда назарда тутилган қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 29 ноябрдаги ПФ-5587-сон Фармони билан тасдиқланган рўйхатдаги хомашё товарларига нисбатан татбиқ этилмайди;

Агентлик томонидан тижорат банкларига экспорт билан боғлиқ савдо операциялари ва экспортолди молиялаштириш кредитлари учун бир марталик молиявий ресурслар **1 миллион АҚШ доллари** эквивалентидан ошмаган миқдорда ҳамда бир йилгача муддатга тақдим этилади;

Агентлик томонидан ажратиладиган молиявий ресурслар ҳисобидан берилган кредитни тўлиқ сўндирмаган экспорт қилувчи учун бундай молиявий ресурслар ажратишга йўл қўйилмайди; тижорат банкларига экспорт билан боғлиқ савдо операциялари ва экспортолди молиялаштириш кредитлари Агентлик томонидан ажратиладиган молиявий ресурслар ҳисобидан молиялаштирилганда, Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси томонидан компенсациялар тақдим этилмайди.

6. Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирли-

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2020 йил 21 октябрь

Давлат тилининг обрў-эътибори — бутун халқ, бутун жамиятнинг обрў-эътибори

21 октябрь — "Давлат тили ҳақида"ги қонун қабул қилинган кун юртимизда Ўзбек тили байрами сифатида биринчи мартаба кенг миқёсда нишонланди. Давлатимиз раҳбари томонидан 2019 йил 21 октябрда қабул қилинган "Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонга биноан, ушбу тарихий сана байрам кuni деб белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбек тили байрами муносабати билан мамлакатимиз халқига йўллаган табригида қайд этилганидек, **"Бугунги кунда биз янги Ўзбекистонни, янги Ренессанс пойдевори**ни барпо этишдек эзгу мақсадларимизга эришишда, ҳеч шубҳасиз, она тилимизнинг ҳаётбахш кудратига таянамиз".

Мамлакатимизда "Давлат тили ҳақида"ги қонун қабул қилинган куннинг улкан тарихий ўрни ва аҳамиятига бу қадар юксак эътибор қаратилаётгани бежиз эмас. Чунки ушбу сана маънавий ва маърифий, ҳуқуқий ва сиёсий жиҳатдан ниҳоятда муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбекистоннинг "Давлат тили тўғрисида"ги қонун бундан 31 йил олдин, 1989 йил 21 октябрда — Мустақиллигимиз



эълон қилинишидан, тахминан, икки йил илгари қабул қилинган. Юртимизда мустабид тузум ҳали ўз ҳукмини ўтказиб турган гоят оғир шароитда халқимизнинг тақдири ва келажagini хал қиладиган бу қонунни қабул қилиш осон кечмаган.

Президентимиз таъбири билан айтганда, **"Ўзбек тили давлат тили сифатида халқимизни бирлаштирадиган, жамиятимизни улуг мақсадлар сари сафарбар этадиган кудратли куч бўлиб майдонга чикди. Айни вақтда у Ўзбекистоннинг давлат мустақиллиги сари қўйилган биринчи дадил қадам эди"**.

Янги Ўзбекистонда ўзбек тилининг халқимиз ижтимоий ҳаётида ва халқаро миқёсдаги обрў-эътиборини тубдан ошириш, униб-ўсиб келаётган ёшларимизни ватанпарварлик, миллий анъана ва қадриятларга садоқат, улуг аждодларимизнинг бой меросига ворислик руҳида тарбиялаш, мамлакатимизда давлат тилини тўлақонли жорий этишни таъмин-

лашга қаратилган янгидан-янги ташаббуслар илгари сурилаётгани аynи муддаодир. Янада муҳими, бу борадаги саъй-ҳаракатлар, бир томондан, ушбу ҳафта тўпладиган қолган муаммо ҳамда камчиликларни бартараф этишга хизмат қилмоқда. Иккинчи томондан, янгича ташаббуслар мамлакатимизда ўзбек тилини замон талаблари асосида ривожлантириш, унинг давлат тили сифатидаги ўрни ва нуфузини янада мустаҳкамлаш борасидаги масъулиятли вазифаларнинг самарали ижроси учун ниҳоятда зарур.

Бу ҳақда фикр юритганда, авваламбор, Ўзбекистон Президентининг 2019 йил 21 октябрда қабул қилинган **"Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"**ги Фармонида белгиланган вазифалар доирасидаги амалий ишларга мухтасар тўхташга мақсадга мувофиқдир.

(Давоми 3-бетда) ►

2020 йил 21 октябрь кuni Тошкент шаҳрида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг саккизинчи ялпи мажлиси бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг саккизинчи ялпи мажлиси тўғрисида АХБОРОТ

Видеоконференцалоқа тарзида ўтказилган ялпи мажлисда ҳукумат аъзолари, вазирлик ва идоралар раҳбарлари, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Ялпи мажлисни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси Танзила Норбоева олиб борди.

Сенат аъзолари томонидан 17 та масала, шу жумладан, 4 та қонун муҳокама қилинди.

Дастлаб Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси ўринбосарини сайлаш тўғрисидаги масала кўриб чиқилди.

Конституцион нормага биноан, Қорақалпоғистон Республикаси вакили Сенат Раиси ўринбосарларидан бири ҳисобланади. Шу муносабат билан Президентимиз томонидан сенатор Мурат Каллибекович Камаловни Сенат Раиси ўринбосари лавозимига сайлаш тўғрисида тақдимнома кирилган.

Мажлисда сенаторлар то-

монидан М.Камалов номзоди бўйича фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Қонун талабларига мувофиқ яширин овоз бериш йўли билан сенатор Мурат Каллибекович Камалов Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси ўринбосари этиб сайланди.

Сўнгра Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Оролбўйи минтақасини ривожлантириш масалаларига оид фаолиятини янада такомиллаштириш тўғрисидаги масала кўриб чиқилди.

Давлатимиз раҳбари яқинда Жўқорғи Кенгес сессиясида Қорақалпоғистон Республикасини келгуси уч йилда ривожлантиришнинг 10 та устувор йўналишларининг белгиланган берди.

Таъкидлаш лозимки, Орол муаммосининг салбий таъсирини юмшатиш мазкур устувор йўналишларнинг бири этиб белгиланди.

(Давоми 2-бетда) ►

Қонун ижодкорлиги

Жамоат хавфсизлигини таъминлаш:

соҳага оид қонун ҳужжатлари такомиллаштирилмоқда

Ўтган давр мобайнида мамлакатда тинчлик ва осойишталикни таъминлаш, жамоат тартибини сақлашнинг мутлақо янги механизмларини жорий этиш ҳамда аҳолида шахсий хавфсизлик ҳиссини шакллантириш борасида тизимли ва самарали чора-тадбирлар амалга оширилди. Бироқ жамоат хавфсизлигини таъминлаш соҳасида ҳали-ҳануз бир қатор салбий ҳолатлар мавжудлиги ташвишга солмай қўймайди.

Бугунги кунда фуқаролар, айниқса, ёшлар орасида пичок ва бошқа совуқ қурооларни олиб юриш, ўзаро жанжал вақтида улар билан кўрқитиш ёки уларни қўллаш каби ноҳўш ҳолатлар кўплаб учрамоқда. Бундай ҳолатларга чек қўйиш мақсадида, **"Жамоат хавфсизлигини таъминлашга доир қонун ҳужжатлари янада такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжат-**

ларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"-ги қонун лойиҳаси ишлаб чиқилди. Ушбу қонун жорий йил 21 октябрда бўлиб ўтган Олий Мажлиси Сенатининг саккизинчи ялпи мажлисида сенаторлар томонидан маъқулланди.

Шу ўринда таҳлилларга назар ташлайдиган бўлсак, ушбу қонунни қабул қилишнинг нечоғлиқ аҳамиятли эканини яққол англаймиз.

(Давоми 3-бетда) ►

Қонун кўмаги



Мамлакатимизда тадбиркорларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини кафолатли ҳимоя қилиш ҳамда улар эркин фаолият юритиши учун барча шарт-шароитларни яратишга алоҳида эътибор қаратиламоқда. Натижада юртимизда тадбиркорлар сафи йилдан-йилга кенгаймоқда.

Энг муҳими, тадбиркорлар томонидан амалга оширилаётган эзгу ишлар жамиятимиз тараққиётига муносиб ҳисса бўлиб қўшилмоқда. Бироқ, афсуски, баъзида мутаассадди идораларнинг узокни кўра билмасдан ва охирини ўйламасдан, тадбиркорлар

фаолиятига аралашуви, уларга нисбатан ноқонуний иш тутиши тадбиркорларнинг наинки ҳақли норозилигига, балки оилаб овора бўлишига олиб келмоқда.

Буни қуйидаги мисол орқали ҳам кўриш мумкин.

(Давоми 4-бетда) ►

Жиноят ишлари бўйича Тошкент вилояти суди биносиди навбатдаги брифинг бўлиб ўтди. Унда соҳа вакиллари, оммавий ахборот воситалари ҳамда давлат ва жамоат ташкилотларининг вакиллари иштирок этди.

Брифинг

Одил судлов самаралари

Тошкент вилояти судларининг тўғқиз ойлик фаолияти мисолида таҳлил қилинди



Карантин қоидаларига тўлиқ амал қилинган ҳолда ўтган брифингда вилоятнинг жиноят, фуқаролик, маъмурий ва иқтисодий ишлар бўйича суд расислари жорий йилнинг ўтган 9 ойи давомида одил судловни амалга ошириш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш борасидаги ишлар тўғрисида маълумот берди.

Жорий йилнинг ўтган даврида жиноят ишлари бўйича вилоят, шаҳар, туман судлари томонидан 3 минг 628 нафар шахсга нисбатан 2 минг 742 та жиноят иши кўриб чиқилди. Бу

ўтган йилнинг шу давридаги ҳолатга нисбатан ишлар сони 88 тага ёки 3,1 фоизга камайганидан далолат беради. Шундан 2 минг 972 нафар шахсга нисбатан 2 минг 156 та жиноят иши бўйича ҳукм чиқарилган бўлиб, 636 нафар шахсга нисбатан 568 та жиноят иши тугатилди. Шунингдек, 47 нафар шахсга нисбатан оқлов ҳукми ва ажримлари чиқарилди. Умумий тамомланган ишлардан 560 таси ёки 20,4 фоиз сайёр суд мажлисларида кўриб чиқилди.

(Давоми 2-бетда) ►

Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати
Ахборот хизмати

◄ (Бошланиши 1-бетда)

Биринчидан, Вазирлар Маҳкамаси тузилмасида **Давлат тилини ривожлантириш департаменти** ташкил этилди. Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 12 декабрда қабул қилинган 984-сонли қарори билан Давлат тилини ривожлантириш департаменти тўғрисидаги Низом тасдиқланди.

Иккинчидан, хорижий давлатлар тажрибасини чуқур ўрганган ҳолда, **Атамалар комиссияси** тузилди. Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 29 январда қабул қилинган 40-сон қарори билан Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Атамалар комиссиясининг вазифалари белгиланди.

Шунингдек, Атамалар комиссиясининг таркиби ва Низоми тасдиқланди. Низомга мувофиқ, Атамалар комиссияси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида ўз фаолиятини жамоатчилик асосида амалга оширади. Комиссия асосан янги сўз ва атамаларни расмий истеъмолга киритиш билан шуғулланади.

Учинчидан, 2020 йил 10 апрелда **“Ўзбек тили байрами кунини белгилаш тўғрисида”**ги қонун қабул қилинди.

Тўртинчидан, **“Давлат тили ҳақида”**ги қонуннинг бугунги кун талаблари нўқтаи назаридан такомиллаштирилган **янги таҳрирдаги** лойиҳаси ишлаб чиқилмоқда. Бу ҳужжатда давлат тили софлигини сақлаш, уни бойитиб бориш ва аҳолининг нутқ маданиятини ошириш каби муҳим йўналишлар қамраб олинади.

Ўз навбатида, Президентимизнинг 2020 йил 20 октябрда имзоланган **“Мамлакатимизда ўзбек тилини янада ривожлантириш ва тил сиёсатини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”**ги Фармони алоҳида эътиборга сазовор.

Мазкур ҳужжатда ўзбек тилининг халқимиз ижтимоий ҳаётида ва халқро миқёсдаги обрў-эътиборини тубдан ошириш, униб-ўсиб келаётган ёшларимизни ватанпарварлик, миллий анъана ва қадриятларга садоқат руҳида тарбиялаш, мамлакатимизда давлат тилини тўлақонли жорий этишини таъминлашга доир истиқболдаги вазифалар кўзда тутилган.

Шу билан бирга, Фармонда Ўзбекистондаги миллат ва элатларнинг тилларини сақлаш ва ривожлантириш, давлат тили сифатида ўзбек тилини ўрганиш учун шарт-шароитлар яратиш, тил сиё-

сатини ривожлантиришнинг стратегик мақсадлари ва устувор йўналишлари белгилаб берилди.

Президент Фармонига биноан, ўзбек тилини янада ривожлантиришга қаратилган учта муҳим ҳужжат тасдиқланди. Булар:

биринчидан, **2020-2030 йилларда ўзбек тилини ривожлантириш ва тил сиёсатини такомиллаштириш концепцияси**;

иккинчидан, **2020-2030 йилларда ўзбек тилини ривожлантириш ва тил сиёсатини такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари**.

Хусусан, бу борадаги асосий йўналишлар қуйидагиларни назарда тутади:

- 2025 йилга қадар давлат мактабгача таълим тизимида

Давлат тилининг обрў-эътибори — бутун халқ, бутун жамиятнинг обрў-эътибори



ўзбек тилли гуруҳлар қамровини 72 фоизга, 2030 йилгача эса, 80 фоизга етказиш;

- 2030 йилга қадар умумтаълим мактабларида ўқув йиллари учун таянч ўқув режаларида она тили фанини ўқитиш кўламини амалдаги ҳафтада 84 соатдан 110 соатгача ошириш;

- олий таълим муассасаларида ўзбек тили кафедралари сонини 2025 йилга қадар 120 тага, 2030 йилгача эса, 140 тага етказиш;

- лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосида “Ўзбекистон миллий қомуси” жилдларини нашр этишини

босқичма-босқич кўпайтириб бориш;

- 2020 йилда ўзбек тилининг лугат бойлигини оширувчи 15 та лингвистик, соҳавий-терминологик, изоҳли лугатлар яратиш;

- телерадиоканаллар суҳандон-бошловчиларининг ўзбек адабий тилидаги нутқ маданиятини оширувчи қайта тайёрлов курсларида ўқитиш тизимини жорий этиш ва қамровни 2030 йилгача 100 фоизга етказиш;

- 2025 йилга қадар давлат тилида соҳавий иш юритиш ҳужжатларининг ягона электрон намуналарини ишлаб чиқиш ва улардан фойдаланиш учун 14 та онлайн дастур ишлаб чиқиш, 2030 йилгача эса, ушбу кўрсаткични 25 тага етказиш;

- дастурий маҳсулотларнинг ўзбекча иловалари ва электрон лугат дастурларини яратиш;

- хорижликлар учун ўзбек тилини ўргатувчи дастурлар яратиш;



тон Республикаси Конституциясининг 4-моддасида қуйидагича мустаҳкамланди:

“Ўзбекистон Республикасининг давлат тили ўзбек тилидир. Ўзбекистон Республикаси ўз ҳудудида истиқомат қилувчи барча миллат ва элатларнинг тиллари, урф-одатлари ва анъаналари хурмат қилинишини таъминлайди, уларнинг ривожини учун шароит яратади”.

Шу маънода, Ўзбекистон тараққиётининг бугунги янги босқичи — миллий юксалиш даври талабларидан келиб чиқиб, она тилимизнинг жамиятдаги ўрни ва нуфузини ошириш бўйича кенг кўламли ишлар амалга ошириляётгани ҳар қанча таҳсинга лойиқ.

Ҳозирги кунда мамлакатимизда яшаётган, Ўзбекистонимизни ягона ва аҳил оила деб биладиган турли миллат ва элатлар вакиллари ҳам ўзбек тилини ўрганишга катта қизиқиш ва истак билдираётганлари, айниқса, эътиборлидир.

Хулоса қилиб айтганда, она тили миллатнинг руҳи, борлигимиз ва бирлигимиз, давлат тимсоли экани, уни асраш ва ривожлантириш ҳар бир фуқаронинг инсоний бурчи ҳисобланади. Бу борада давлатимиз раҳбарининг Ўзбекистон тарихида илк бор БМТ минбарида хажон ҳамжамиятига ўзбекча, яъни давлат тилида мурожаат қилгани барчамиз учун юксак намуна ва муносиб ўрнақдир.

Зеро, Президентимиз таъбири билан айтганда, **“Бугунги кунда биз янги Ўзбекистонни, янги Ренессанс пойдеворини барпо этишдек эзгу мақсадларимизга эришишда, ҳеч шубҳасиз, она тилимизнинг ҳаётбахш қудратига таянамиз. Чунки неча асрлар оша аждодларимиздан бизга безавол ўтиб келаётган она тилимизнинг равнақи ва истиқболни ҳақида қайғуриш — бу миллатнинг ўзлигини англаши, унинг маънавий қамолотини юксалтириш учун кураш демокдир. Давлат тилининг обрў-эътибори — бутун халқ, бутун жамиятнинг обрў-эътиборидир”**.

Давлатимиз раҳбари таъбири билан айтганда, **“Дунёдаги қадимий ва бой тиллардан бири бўлган ўзбек тили халқимиз учун миллий ўзлик ва мустақил давлатчилик тимсоли, бебаҳо маънавий бойлик, мамлакатимизнинг сиёсий-ижтимоий, маънавий-маърифий тараққиётида гоят муҳим ўрин эгаллаб**



келаётган буюк қадриятдир”.

Аммо мустабид тузум ҳукмронлиги даврида халқимизнинг ўзига хос жасорати тимсоли сифатида қабул қилинган “Давлат тили тўғрисида”ги қонун ижроси, афсуски, кўп йиллар давомида деярли ўз ҳолига ташлаб қўйилди. Қонун ижросини назорат қилишга масъул бўлган парламент ҳузуридаги Доимий тил комиссияси ҳамда Атамашунослик кўмитаси фаолияти эса, тугатиб юборилган эди.

Шу маънода, Ўзбекистон тараққиётининг бугунги янги босқичи — миллий юксалиш даври талабларидан келиб чиқиб, она тилимизнинг жамиятдаги ўрни ва нуфузини ошириш бўйича кенг кўламли ишлар амалга ошириляётгани ҳар қанча таҳсинга лойиқ.

Ҳозирги кунда мамлакатимизда яшаётган, Ўзбекистонимизни ягона ва аҳил оила деб биладиган турли миллат ва элатлар вакиллари ҳам ўзбек тилини ўрганишга катта қизиқиш ва истак билдираётганлари, айниқса, эътиборлидир.

Хулоса қилиб айтганда, она тили миллатнинг руҳи, борлигимиз ва бирлигимиз, давлат тимсоли экани, уни асраш ва ривожлантириш ҳар бир фуқаронинг инсоний бурчи ҳисобланади. Бу борада давлатимиз раҳбарининг Ўзбекистон тарихида илк бор БМТ минбарида хажон ҳамжамиятига ўзбекча, яъни давлат тилида мурожаат қилгани барчамиз учун юксак намуна ва муносиб ўрнақдир.

Зеро, Президентимиз таъбири билан айтганда, **“Бугунги кунда биз янги Ўзбекистонни, янги Ренессанс пойдеворини барпо этишдек эзгу мақсадларимизга эришишда, ҳеч шубҳасиз, она тилимизнинг ҳаётбахш қудратига таянамиз. Чунки неча асрлар оша аждодларимиздан бизга безавол ўтиб келаётган она тилимизнинг равнақи ва истиқболни ҳақида қайғуриш — бу миллатнинг ўзлигини англаши, унинг маънавий қамолотини юксалтириш учун кураш демокдир. Давлат тилининг обрў-эътибори — бутун халқ, бутун жамиятнинг обрў-эътиборидир”**.

Фуллом МИРЗО,
Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган журналист,
Бобомурод РАЙИМОВ,
“Куч — адолатда” мухбири

Қонун ижодкорлиги

Жамоат ҳавфсизлигини таъминлаш

соҳага оид қонун ҳужжатлари такомиллаштирилмоқда

◄ (Бошланиши 1-бетда)

Бошқача айтганда, ички ишлар органлари томонидан аниқланган совуқ қурол сифатида фойдаланиш мумкин бўлган предметларнинг 58 фоизи — кўчада, 22 фоизи — бозорларда, 24 фоизи — таълим муассасаларида топилган. Бунинг оқибатида фуқаролар ўртасида ўзаро жанжал сабабли бир-бирига турли даражадаги тан жароҳатлари етказилмоқда.

Ҳақиқатдан ҳам, бугун атрофимизга назар ташлайдиган бўлсак, совуқ қурол сифатида фойдаланиш мумкин бўлган спорт ва ҳўжалик-маиший предметларни эркин олиб юриши оддий ҳолга айланиб улгурган.

Айрим ҳолларда фуқаролар ўртасида юзага келган ўзаро низолар вақтида ушбу совуқ қуроллардан фойдаланиши натижасида турли даражадаги салбий воқеалар, энг ачирлиси, баъзан одамлар ўлимга сабаб бўлаётгани рост.

Шу сабабли жамоат ҳавфсизлигини таъминлашга доир қонун ҳужжатларини янгилаётгани ҳар қанча таҳсинга лойиқ.

Ҳозирги кунда мамлакатимизда яшаётган, Ўзбекистонимизни ягона ва аҳил оила деб биладиган турли миллат ва элатлар вакиллари ҳам ўзбек тилини ўрганишга катта қизиқиш ва истак билдираётганлари, айниқса, эътиборлидир.

Хулоса қилиб айтганда, она тили миллатнинг руҳи, борлигимиз ва бирлигимиз, давлат тимсоли экани, уни асраш ва ривожлантириш ҳар бир фуқаронинг инсоний бурчи ҳисобланади. Бу борада давлатимиз раҳбарининг Ўзбекистон тарихида илк бор БМТ минбарида хажон ҳамжамиятига ўзбекча, яъни давлат тилида мурожаат қилгани барчамиз учун юксак намуна ва муносиб ўрнақдир.

Зеро, Президентимиз таъбири билан айтганда, **“Бугунги кунда биз янги Ўзбекистонни, янги Ренессанс пойдеворини барпо этишдек эзгу мақсадларимизга эришишда, ҳеч шубҳасиз, она тилимизнинг ҳаётбахш қудратига таянамиз. Чунки неча асрлар оша аждодларимиздан бизга безавол ўтиб келаётган она тилимизнинг равнақи ва истиқболни ҳақида қайғуриш — бу миллатнинг ўзлигини англаши, унинг маънавий қамолотини юксалтириш учун кураш демокдир. Давлат тилининг обрў-эътибори — бутун халқ, бутун жамиятнинг обрў-эътиборидир”**.

Давлатимиз раҳбари таъбири билан айтганда, **“Дунёдаги қадимий ва бой тиллардан бири бўлган ўзбек тили халқимиз учун миллий ўзлик ва мустақил давлатчилик тимсоли, бебаҳо маънавий бойлик, мамлакатимизнинг сиёсий-ижтимоий, маънавий-маърифий тараққиётида гоят муҳим ўрин эгаллаб**

жойларида олиб юрганлик учун ҳуқуқбузарлик ашёсини мусодара қилиб ёки мусодара қилмай базавий ҳисоблаш микдорининг бир бараваридан беш бараваригача миқдорда жарима жазоси белгилашни назарда тутилмоқда.

Шунингдек, 185³-модда билан эса, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида фуқаровий ва хизмат қуроли сифатида муомалада бўлиши тақиқланган ашёларнинг қонунга хилоф равишда муомалада бўлиши тақиқланмоқда.

Бундан ташқари Ўзбекистон Республикаси Қурол тўғрисидаги қонунининг 3- ва 9-моддаларига ўзгартиш олиб юриши оддий ҳолга айланиб улгурган.

Айрим ҳолларда фуқаролар ўртасида юзага келган ўзаро низолар вақтида ушбу совуқ қуроллардан фойдаланиши натижасида турли даражадаги салбий воқеалар, энг ачирлиси, баъзан одамлар ўлимга сабаб бўлаётгани рост.

Шу сабабли жамоат ҳавфсизлигини таъминлашга доир қонун ҳужжатларини янгилаётгани ҳар қанча таҳсинга лойиқ.

Ҳозирги кунда мамлакатимизда яшаётган, Ўзбекистонимизни ягона ва аҳил оила деб биладиган турли миллат ва элатлар вакиллари ҳам ўзбек тилини ўрганишга катта қизиқиш ва истак билдираётганлари, айниқса, эътиборлидир.

Хулоса қилиб айтганда, она тили миллатнинг руҳи, борлигимиз ва бирлигимиз, давлат тимсоли экани, уни асраш ва ривожлантириш ҳар бир фуқаронинг инсоний бурчи ҳисобланади. Бу борада давлатимиз раҳбарининг Ўзбекистон тарихида илк бор БМТ минбарида хажон ҳамжамиятига ўзбекча, яъни давлат тилида мурожаат қилгани барчамиз учун юксак намуна ва муносиб ўрнақдир.

Зеро, Президентимиз таъбири билан айтганда, **“Бугунги кунда биз янги Ўзбекистонни, янги Ренессанс пойдеворини барпо этишдек эзгу мақсадларимизга эришишда, ҳеч шубҳасиз, она тилимизнинг ҳаётбахш қудратига таянамиз. Чунки неча асрлар оша аждодларимиздан бизга безавол ўтиб келаётган она тилимизнинг равнақи ва истиқболни ҳақида қайғуриш — бу миллатнинг ўзлигини англаши, унинг маънавий қамолотини юксалтириш учун кураш демокдир. Давлат тилининг обрў-эътибори — бутун халқ, бутун жамиятнинг обрў-эътиборидир”**.

Давлатимиз раҳбари таъбири билан айтганда, **“Дунёдаги қадимий ва бой тиллардан бири бўлган ўзбек тили халқимиз учун миллий ўзлик ва мустақил давлатчилик тимсоли, бебаҳо маънавий бойлик, мамлакатимизнинг сиёсий-ижтимоий, маънавий-маърифий тараққиётида гоят муҳим ўрин эгаллаб**

Фарход БОҚИЕВ,
Олий Мажлис Сенати аъзоси

Жиноятга жазо муқаррар

Ноҳалол бойлик

фирибгарга буюрмади

Бу дунёда изох талаб қилмайдиган шундай бир ҳақиқат бор: жиноий йўл билан топилган бойлик ҳеч қимга, ҳеч қачон буюрмайди, ноҳалол лўқмадан бирон қимса ўсиб-унмаган, барака топмаган.

Қуйидаги жиноят тафсилоти ҳам шу ҳақда.

Мирзокул Ёрқелдиев (исм-шарифлар ўзгаририлди) яхши ният билан фермер хўжалиги ташкил этди. Туман ҳокимининг 2003 йил 14 апрелдаги қарорига асосан “Т.И.”

фермер хўжалигига 150 гектар сугориладиган ер майдонини узумчилик барпо этиш учун 50 йил муддатга ижарага берилди.

(Давоми 4-бетда) ►



Халқимизда “Синалмаган отнинг сиртидан ўтма” деган пурмаъно наҳ бор. Бу ўзинг аввалдан танимаган-билимаган инсонга ишонма, дегани ҳамдир.

Аммо айрим юртдошларимиз ўта ишонувчанлиги ва соддалиги туфайли баъзан фирибгарлардан азият чекмоқдалар. Муқаддам ўғирлик ва талончилик жиноятларини содир этиб, икки маротаба судланган пскентлик Фуломжон Амиров (исм-шарифлар ўзгаририлган) ҳам ўзининг фирибгарлиги ҳамда талончилиги билан 6 ой муддатга 14 нафар кишига жабр етказишга “улгурган”.

Ф.Амировнинг фириб тўрига дастлаб Келес шаҳрида яшовчи Жамшид Валиев илдинди. Ф.Амиров Ж.Валиевнинг хонадониди оила аъзолари билан вақтинча ижарада яшаб юрарди. Ўшанда у хонадон соҳибининг янги дарвоза ва дераза панжаралари ўрнатмоқчи эканлигидан хабар топади.

Эътиёт бўлинг, фирибгар!

Ҳам фирибгар, ҳам талончи

олти ойда 14 кишига жабр етказган

— Кўли гул уста танишларим бор. Дарвоза ва панжараларни сиз ўйлагандан ҳам аъло даражада қилиб ясаб беришади, — дейди ижарачи оғиз кўпиртириб. — Фақат пулини тўлиқ олдиндан беришингиз керак.

Албатта, Жамшид ҳаётда бировни алдамагани боис унга ҳам ўзига ишонгандек инонади. Шунинг учун 5.700.000 сўмни Ф.Амировнинг қўлига тутқазди. Бироқ Фуломжон берган ваъдасини бажармай, пуллари шахсий эътиёжларига сарфлаб юборади.

Шундан сўнг “қаҳрамон”имиз тадбиркор Мадина Эркаева нишонга олади. У тез орада М.Эркаева билан Ангрен шаҳрида жойлашган умумий овқатланиш қаҳвахонасини ижарага олиш юзасидан оғзаки келишувга эришиб, ўша кунёқ қаҳвахонанинг калитини қўлга киритади.

Пировардида бино ичида турган музлатгич, микротўлқинли печ, музқаймоқ музлатгичи ва 6 тўппам стол-стулардан иборат 16.000.000 сўмлик буюмларни олиб кетади. Сўнг қайтиб қорасини кўрсатмайди.

Орадан бир ой ўтган эса, фирибгар йигит яна ўлжа излаб “ов”га чиқади. Оқибатда Зангиота туманида қирақашлик билан шуғулланувчи Мирайимжон Каримов навбатдаги жабрланувчига айланади.

— Укам авария бўлиб, Хонободдаги касалхонага тушиб қолди. Олиб бориб келинг, илтимос, — дейди Ф.Амиров хайдовчига.

У йўл ҳақини 130.000 сўмга келишад. Шифохонага етиб боргандан кейин Мирайим аканинг “Samsung G7” русумли, баҳоси 6.000.000 сўмлик уяли телефонини қўнғироқ қилиш важи би-

лан сўраб олади.

Сўнгра тезда қиқшини айтиб ичкарига кириб кетади-ю, қайтиб чиқмайди. М.Каримов эса, кута-кута тоқати тоқ бўлгач, алданганини англаб етади.

Буни қарангки, “қаҳрамон”имиз “Дамас” русумли, давлат белгиси “10 Z 835 AA” бўлган автомашина соҳиби Самад Ашировга нисбатан очикдан-очик талончилик қилади. Аввалига у С.Ашировни Бектемир туманида тўхтади.

— Бўкага, касалхонага олиб боринг, илтимос. Бориб-келишга юз минг сўм бераман, — дейди ўзини “Бахтиёр” деб таништиргач.

Кейин аввалдан режалаштирган ишини амалга ошириш учун кулай пайт пойлаб бораверади. Бўка туман марказий шифохонасига етиб боргач, Самадхоннинг нархи 1.000.000 сўмлик “Samsung Glaxy Grand J-530” русумли уяли телефонини тортиб олади.

С.Аширов телефонини қайтариб олиш мақсадида машинасини тўхтади. Лекин Ф.Амиров дарҳол “Дамас”дан тушиб, бошқа машинага ўтириб кетиб қолади.

(Давоми 4-бетда) ►

Эҳтиёт бўлинг, фирибгар!

Ҳам фирибгар, ҳам талончи

олти ойда 14 кишига жабр етказган

◄ (Бошланиши 3-бетда)

Хуллас, Ғ.Амиров гоҳ у, гоҳ бу усулда 6 ой муддатда яна 11 нафар фуқарони 14.570.000 сўмга чув туширади. Ҳатто бир гал Зангиота тумани Хонобод қишлоғи худудидаги 39-сонли шифохонанинг "Дамас" ҳайдовчиси Азизбек Абдурайимовни алдаб кетмоқчи бўлганида ИИБ ходимлари томонидан ушланади ҳам.

Яъни А.Абдурайимовни Чирчиқ дехқон бозори олдида тўхташиб, Хонобод шифохонасига олиб бориб келишини сўраб, 80.000 сўм йўл ҳақи беришини айтади. Манзилга етиб, йўл ҳақини бермай шифохона ҳовлисига яширинмоқчи бўлганида эса, ИИБ ходимлари унинг фирибгарлигига чек қўйишади.

Лекин фирибгар ва талончи йигитнинг шунда ҳам кўзи очилмайди. У, аксинча, жиноий хатти-ҳаракатини давом эттираверади.

Албатта, ҳаётда заррача қилинган яхшилик ҳам, заррача қинғир иш ёки ёмонлик ҳам жавобсиз қолган эмас. Шу маънода, Ғ.Амировнинг қилмишлари ҳам беиз кетмади.

Жабрланувчиларнинг мурожаатига асосан, охириқабат Ғ.Амиров ички ишлар ходимлари томонидан қўлга олинади ва унга нисбатан жиноят иши қўзғатилади.

Жиноят ишлари бўйича Зангиота туман суди судланувчи Ғ.Амировни

Жиноят кодексининг 166-моддаси 3-қисми "а"-банди, 168-моддаси 3-қисми "б"-банди, 25, 168-моддаси 3-қисми "б"-банди билан айбдор деб топиб, озодликдан маҳрум қилиш жазосига маҳкум этди.

Кези келганда шунки қайд этиш керакки, Жиноят кодексининг 50-моддасига биноан, озодликдан маҳрум қилиш маҳкумни жамиятдан ажратиб, жазони ижро этиш колонияси ёки турмага жойлаштиришдан иборатдир. Илгари қасддан содир этган жинояти учун озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазони ўтаб чиқиб ёки ўтаётган чоғида, қасддан янги содир этган жинояти учун ҳукм қилинаётган шахслар жазони қаттиқ тартибли колонияларда ўташи шарт.

Шу боис, Ғ.Амиров тайинланган жазони қаттиқ тартибли колонияда ўташи белгиланди. Қолаверса, суд ҳукмида жабрланувчиларга етказилган зарарларни айбдордан ундириш ҳам ўз ақсини топди.

Алқисса, ҳаётда оз берадиган ҳар бир воқеа-ҳодисадан биз ўзимизга тегишли хулоса чиқаришимиз зарур. Тилга олинган воқеалар тафсилотлари ҳам бошқаларга сабоқ бўлади, деган умиддамиз. Зеро, фирибгарлик ҳаммаша аянчилик ақсон тоғон.

Зафар ШАРОПОВ,
жиноят ишлари бўйича
Зангиота тумани
судининг судьяси



Қонун кўмағи

Қарор топган адолат

◄ (Бошланиши 1-бетда)

Гап шундаки, Яккабоғ туманидаги "Хуррамов Уктам Шоймардонович" хусусий қорхонаси анча йилдан буён туман аҳолисига цемент етказиб беришга ихтисослашган қорхона сифатида фаолият юритиб келади. Бу борада у юртимизнинг йирик қорхоналаридан бири бўлмиш "Қизилқумцемент" акциядорлик жамияти билан ўзаро тузилган шартномага асосан ҳамкорлик қилган.

Шу ҳамкорлик доирасида қорхона раҳбари Уктам Хуррамов "Қизилқумцемент" акциядорлик жамиятидан пул ўтказиш йўли билан 2019 йил 17 январда далолатнома асосида 538 миллион 131 минг 300 сўмлик, яъни 1348,7 тонна цемент маҳсулотини қабул қилиб олади.

Иш ҳужжатларидан ва аниқланган ҳолатлардан маълум бўлишича, Яккабоғ тумани давлат солиқ инспекцияси томонидан Солиқ кодексининг 70-моддасига асосан, хусусий қорхонанинг 2019 йил ҳисобидан 4 ойлик, яъни январь-апрель ойлари учун топширган қўшимча қиймат солиғи бўйича ҳисоботлари ташқи манба асосида ўрганиб чиқилганда, 107 миллион 626 минг 200 сўм қўшимча қиймат

солиғи ҳисобот иловасида кўрсатилмагани аниқланган.

Шундан сўнг мазкур қўшимча қиймат солиғини хусусий қорхона ҳисобидан ундириш учун давлат солиқ инспекцияси томонидан талабнома юборилади. Хусусий қорхона раҳбари Ў.Хуррамов ушбу қўшимча қиймат солиғи харид қилинган 538 миллион 131 минг 300 сўмлик цемент маҳсулотининг умумий суммасига қўшиб ҳисобланган ҳолда "Қизилқумцемент" АЖ томонидан ушлаб қолинганлигини солиқ инспекцияси ходимларига тушунтиришга уринади.

Аммо солиқ органи ходимлари қарздорлик масаласини синчиклаб ўрганмайди. Аксинча, қўшимча қиймат солиғи ҳисобланган 107 миллион 626 минг 200 сўм маблағни хусусий қорхона ҳисобидан ундириш мақсадида судга даъво аризаси киритади.

Қарангки, Яккабоғ туманлараро иқтисодий суди ҳам ишни тегишли ҳужжатлар асосида батафсил қўриб чиқмасдан, шовша-шошарликка йўл қўяди. Суд туман давлат солиқ инспекциясининг даъво талабларини қаноатлантириш ҳамда хусусий қорхона ҳисобидан 107 миллион 626 минг 200

сўм қўшимча қиймат солиғини ундириш ҳақида ҳал қилув қарори қабул қилади.

Бу хулосадан норози бўлган тадбиркор Ў.Хуррамов ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва адолатни қарор топтиришга астойдил бел боғлайди. Шу мақсадда, мазкур ишни кассация инстанция тартибиде қайта қўриб чиқиш учун Қашқадарё вилояти иқтисодий судига мурожаат қилади.

Амалдаги Иқтисодий процессуал кодексининг 299-моддасига кўра, суд ишни кассация инстанцияда қўриш чоғида биринчи инстанция суди ҳал қилув қарорининг қонунийлиги ва асосийлигини текшириш, янги далиллар ва фактларни аниқлаш ҳуқуқига эга ҳисобланади.

Шунингдек, ушбу кодекснинг 301-моддаси 2-бандига асосан, кассация инстанция суди кассация шикоятини ёки протестини қўриш натижалари бўйича ҳал қилув қарорларини тўлиқ ёки қисман бекор қилишга ва янги қарор қабул қилишга ҳақлидир.

Мазкур қонуний асослардан келиб чиқиб, судлов ҳайъати тегишли ҳужжатлар ва асосларни батафсил ўрганиб чиқди. Натижада "Хуррамов Уктам Шоймардонович" хусусий қорхонаси цемент маҳсулоти тўлови ҳисобидан 107 миллион 626 минг 200 сўмлик қўшимча қиймат солиғини тўлаганлигини эътироф этган ҳолда, Яккабоғ туманлараро иқтисодий судининг ҳал қилув қарорини бекор қилишни лозим топди.

Мухтасар айтганда, қонунни ҳурмат қилиш, белгиланган тартиб-қоидаларга риоя этган ҳолда иш тутиш барчага бирдек тегишлидир. Зеро, охирини ўйламасдан, шовша-шошарлик билан бажарилган иш ёхуд қабул қилинган қарор ташвиш олиб келади.

Шундай экан, адолат мезони ҳаётий ҳақиқат эканлигини ҳеч қачон унутмаслик даркор.

ШУХРАТ МАМАДИЁРОВ,
Қашқадарё вилояти иқтисодий судининг раиси
Абдунаби БОБОЁРОВ,
"Куч — адолатда" муҳбири

лозим ҳисоблади.

Суд Олий суд Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги "Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида"ги қарори 3-банди раҳбарий кўрсатмаларига таянди. Ушбу бандда "Жиноят кодексининг 8, 54-моддалари мазмунига кўра, жазо адолатли бўлиши — ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий ҳавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек, жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши керак"лиги қайд этилган.

Суд судланувчига нисбатан жазо тайинлашда айбига иқдор ва чин кўнглидан пушаймонлиги, яшаш жойидан ижобий тавсифга эга эканлиги, оилавий шароитини жазони енгиллаштирувчи ҳолат деб топди. Жиноятни гаврағулик ниятида содир этганлигини, Жиноят кодексининг 56-моддасига асосан, жазони оғирлаштирувчи ҳолат сифатида баҳолади. Етказилган зарарни тўлиқ қоплаганлиги, жабрланувчиларнинг даъвоси йўқлигини инобатга олди. Яшаш жойидан ижобий тавсифга эга эканлигини эътиборда тутиб, Жиноят кодексининг одиллик ва инсонпарварлик тамойилларига ҳамда Олий суд Пленумининг дастурий кўрсатмаларига амал қилган ҳолда Жиноят кодексининг 168-моддаси 3-қисми санкцияси доирасида иш ҳақининг йигирма фоизини давлат тармоқидега ушлаб қолган ҳолда икки йил олти ойга ахлоқ тузасти ишлари жазоси тайинлади.

Гувоҳи бўлганингиздек, мақола аввалида алоҳида таъкидлаганимиз каби алдов ва фириб йўли билан топилган бойлик Мирзоқул Ёрқелдиевга буюрмади. Жабрланувчиларга етказган зарарларни тўлиқ қоплади, топлани — обрўсини тушириб, эл-юрт олдида уятга қолгани бўлди.

Хулоса қилиб айтганда, нонинг ҳалли ширин. Кўпни кўрган кексаларимиз бекорга "Яримта нон — хузури жон" дейишмаган. Алдов, фириб, умулган, жиноий йўл билан топилган ноҳал бойлик ҳеч кимга, ҳеч қачон буюрмайди.

Суянов БЎТАЕВ,
жиноят ишлари бўйича
Хатирчи туман судининг раиси
Абдухамид ХУДОЙБЕРДИЕВ,
"Куч — адолатда" муҳбири

Жиноят ва жазо

«Вой, мани акахонларим!..»

Халқимиз "Ҳалолликда ҳикмат кўп", деб бежизга айтмаган. Чунки ҳалоллик кўнгли хотиржамлигини таъминлаш билан оилага қут-барака келтиради.



Бироқ ҳаётда ана шундай бебаҳо қадриятнинг қадрига етмайдиган, нафс кутқусида турли хил қинғир ишларга қўл урадиган кимсалар ҳам учраб туради.

Сўзимизни яқинда бўлиб ўтган бир суд иши мисолида давом эттирамиз. Жиноят ишлари бўйича Тошкент вилоятининг Нурафшон шаҳар судида қўриб чиқилган жиноят ишининг "қаҳрамон"и, бир қарашда, туппа-тузук йигит. Нима жин уриб, жиноят кўчасига киргани ҳақида айрим тафсилотларни айтиб беришимизга тўғри келади.

Анвар (исм-шарифлар ўзгаририлган) оилали, тўрт нафар фарзанднинг отаси. Тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланади. У хусусий қорхона очиб, маълум ҳақ эвазига хорижга чиқмоқчи бўлган фуқароларга биометрик паспортни расмийлаштириш аниқтасини тўлдириб бериш хизмати йўлга қўйган.

Анварнинг тадбиркорлик фаолияти бор-йўғи шундан иборат ҳолос. У кўрсатган хизмати учун ҳақини олиб, тинчгина юраверса бўларди. Лекин топаётган даромади кўзига камдек кўрина бошлади.

Одамнинг кўзи тўймаса қийин экан. Мўмай даромад илгинчи Анварни ҳам тинч қўймагани шундан. Йўқса, у хизматидан фойдаланиш исроғини билдириб келган миқдорларини шилиб олиш пайига тушармиди?

Жиноятга сабаб бўлган воқеа Нина исмли аёлнинг Жанубий Корея давлатига чиқиш мақсадида, биометрик паспортини расмийлаштирмоқчи бўлиб келганидан бошланган. Анвар билдики, аёл жуда содда. Бунинг устига, пули ҳам кўп.

Шунда у шум ниятини пишилта бошлади: "Бу аёлни қандай қилиб алдасам экан? Сиз кетаётган жойда танишларим кўп, борганингизда ёрдами тегади, десаммикин? Э, йўқ, бундан иш чиқмайди. Тузукроқ сабабини айтиб, бироқки сўмлик бўлиб олишим керак. Нима десам экан-а? Эҳ-ха, Миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бошқармасида танишларим бор дейман. Ҳа, шундан гап очай-чи, қолгани бир гап бўлар".

— Ҳужжат ишларида муаммоларнинг йўқми?, — дея Анвар гап бошлади.

— Қанақа муаммо бўлиши мумкин!?, — деди аёл хайрон бўлиб.

— Эй, опа, бу масалаларга биринчи марта ишингиз тушяптими, дейман? Ҳали сиз билмайсиз-да, Миграция ва фуқароликни расмийлаштириш деган бошқармага бўзчининг моқисидек қатнайсиз. Ишингиз битмай, юраверасиз кутиб, сарсон бўлиб. Шунинг учун ишни бир деганда дўндириб қўядиган одам топишингиз керак.

— Билмасам, мен бу ҳақда ҳеч ўйламагандим. Нима, ишим умуман битмаслиги ҳам мумкинми?

— Ҳа-да, сиз сарсон бўлиб қолманг, деяпман-да!

Анварнинг гапларидан қайфияти тушган аёл бироз довдираб қолди. Буни сезган Анвар тезда мақсадга кўчди:

— Сиз ортиқча хавотирланманг. Хоҳласангиз, бу масалада ёрдам беришим мумкин. Таниш-билишларим кўп. Айнан Тошкент вилояти Ички ишлар бош бошқармасининг Миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бошқармасида акахонларим бор. Бир оғиз айтсам, бўлди. Ишингиз дарров битди.

— Илтимос, исм-фамилиямни айтиб қўйинг, ёрдам беришсин, сарсон бўлиб юрмай, — йигитнинг гапини бўлди аёл.

— Айтишга айтаман, лекин...

Ўзингиз тушунасиз, опа...

— Нима, ҳеч нарсага тушунмадим, очикроқ айтаверинг...

Нинани яна ваҳима босди. Анварни оғзини пойлаганча, илтижо билан қараб қолди.

Йигит эса, бундан ўзича мамнун бўлди. Мана шунақа соддалар билан ишлаш мазада. Ошиғинг олчи бўлаверадиди, деб ўйлади. Демак, мақсадга кўчиш мумкин. Аёл унинг айтган нархига рози бўлади. Бунга шак-шубҳа йўқ.

— Эллик "кўк"идан узатмасангиз, ишингиз битмайди. Рост, беҳудага вақт йўқотасиз. Шунинг учун кетди-кетди, яна эллик атаб юборинг.

Хуллас, Анвар бошлаган савдо пишиди. Аёл пулни топиб келишини айтиб, чиқиб кетди.

Топқирлигидан мамнун Анвар эса, тез орада сўраган пулни олишини ўйлаб, уни нималарга ишлатишни ҳам режалаш қўйди.

Буни қарангки, Нина Анвар ўйлагандек содда, гўл эмас экан. Сўрамай-суриштирмай лақма бўлиб, пулни бериб кетаверадиганлар тоифасидан бўлиб чиқмади. Хорижга чиқиш масалаларини обдан суриштирди. Ҳақ-ҳуқуқларини ўрганди. Билдики, Анвар айтганчалик сарсон бўлиб юрмас экан.

Нинанинг аризаси орқали жиноят фош бўлди. Лекин дўпчинга бошдан олиб, бир мулоҳаза қилиб кўрсак, бу жиноят ишидан тегишли хулоса чиқариб оламиз.

Муҳими шундаки, ёлгоннинг умри қисқа, ўзгаларни алдаш ортидан мўмай даромад олишни кўзлаш билан узоққа бориб бўлмайди. Эндан Анварга ёлгондан тасаввур этгунча "акахонлари" ҳам ёрдам бера олмаслиги аниқ. Жиноятга эса, жазо муқаррар.

Хурийд ХАЛИКОВ,
жиноят ишлари бўйича
Нурафшон шаҳар
судининг раиси

◄ (Бошланиши 3-бетда)

Узумчилик жуда сердаромад соҳа, бир килограмм майизнинг нархи бозорда фалон пул. Меҳнатдан қочмаган фермер нафақат ўзининг, балки ёнига бел боғлаб ишга кирган бир неча оила аъзоларининг ҳам кам-кўстини тўқис қилади.

Ававал-бошда фермер хўжалиги раҳбари М.Ёрқелдиевнинг ишлари бароридан келди. Шу сабабли, туман ҳокимининг 2014 йил 12 майдаги қарори билан у раҳбарлик қилаётган фермер хўжалигига 135-контурдан қўшимча 10,5 гектар ер 49 йил муддатга ижарага ажратиб берилди.

Ҳаммаси шундан сўнг бошланади. Аниқроқ айтганда, М.Ёрқелдиевнинг фермер хўжалигига ажратилган 10,5 гектар тоқзорнинг чегарадош қисми 135-контур худудига қарашли бўлиб, 6-7 гектар бўш ер майдони бор эди. Бу ер майдони туман ҳокимлиги захирасидаги ер ҳисобланарди.

Шу ўринда масалага ойдинлик киритиш учун бир ҳолатдан азиз газетхонни хабардор қилиш керак. Гап шундаки, 2015 йилда туман "Ер-мулк кадастри" давлат унитар қорхонаси ходими Ж.Шарофидинов 135-контурдаги бўш ётган майдонга келиб, тўрт нафар фуқарога 42 сотих ер майдонини уй-жой қуриш учун ўлчаб беради. Мирзоқул Ёрқелдиев бунинг сабабини сўраганида Ж.Шарофидинов "Бу фуқаролар 2011 йилда туманда уй-жой учун ўтказилган "Кимовши" савдосида голиб чиққан, шу сабаб уларга ер ўлчаб берилди", дейди.

М.Ёрқелдиев ток экиб, узумчилик билан шуғулланаётган ернинг бўш турган чегарадош қисми туман ҳокимлиги захира ер майдони эканлигига шунда тўла ишонч ҳосил қилади. Аммо шайтон кутқуси унга тинчлик бермайди.

Дастлаб М.Ёрқелдиев Ю.Қодирқуловнинг ишончига қиради, уни алдаб ўзини ер-жой сотишга ваколатли шахс қилиб кўрсатади. Навандка қишлоғи худудида жойлашган 135-контурнинг туман захира ер майдони ҳисобиде турган қисмидан фуқароларга ер-жой сотаётганини айтади. Уй-жой қуриш учун ер ажратиб беришга ваколатли шахс бўлмаса-да, 2016 йилнинг баҳорида фуқаро Ю.Қодирқуловга 12 сотих ер ўлчаб бериб, унинг 5 миллион 200 минг сўмини фирибгарлик йўли билан қўлга қиритади.

Жиноятга жазо муқаррар



Ноҳалол бойлик фирибгарга буюрмади

риш учун ер олишга талабгорлар кўп. Юқоридаги холдан хабардор бўлганлар М.Ёрқелдиевнинг хузурига ер сўраб келаверишади. Қисқаси, фирибгарлик йўлига кирган М.Ёрқелдиев 2016 йилнинг мартидан 2019 йилнинг октябрга ойига қадар 29 нафар фуқаронни алдаб, ер-жой ўлчаб берган ва улардан жами 227 миллион 200 минг сўм миқдоридеги маблағни такроран фирибгарлик йўли билан қўлга киритган.

— Айбимга тўлиқ иқдор ва пушаймонман, — дейди судда М.Ёрқелдиев. — 2019 йилда соғлигим ёмонлашганди, фермер хўжалиги раислигини акам Э.Ёрқелдиевга топширдим. Ҳозир ўзим фермер хўжалигига оддий ишчи бўлиб ишлаяпман.

Судланувчи М.Ёрқелдиев 29 нафар жабрланувчига етказилган 227 миллион 200 минг сўм миқдоридеги зарарни тўлиқ қоплаган. Шу сабабдан жабрланувчиларнинг ҳаммаси судда М.Ёрқелдиевга нисбатан даъвоси йўқлигини билдиришиб, унга нисбатан қонуний енгиллик беришни сўрашди.

қаратиш лозим бўлади. Негаки, бу ўринда агар шахс содир этган қилмишда Жиноят кодексининг Махсус қисми аини бир моддаси турли қисмларида назарда тутилган жиноятларнинг аломатлари мавжуд бўлса, у модданинг оғирроқ жазо белгиланган қисми бўйича жавобгарликка тортилади, дея қайд этилган.

Олий суд Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги "Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида"ги қарори 49-бандида шахс Жиноят кодексининг махсус қисми аини бир моддасининг турли қисмларида назарда тутилган ўхшаш қилмишни содир этганлиқда айбдор деб топилганда, жазо шу модданинг оғирроқ жазо белгиланган қисми бўйича тайинланиши ҳақида раҳбарий тушунтириш берилган.

Суд юқорида тилга олинган қонун ва Олий суд Пленуми қарори тушунтиришларидан келиб чиқиб, судланувчи М.Ёрқелдиевни Жиноят кодексининг 168-моддаси 3-қисми "б" банди билан жавобгарликка тортишни

Бош муҳаррир: Шодикул ҲАМРОЕВ

Газета 2007 йил
23 февралда Ўзбекистон
Матбуот ва ахборот
агентлигида 0224-рақам
билан рўйхатдан ўтган.



9 772381 632066

Куч — адолатда

МУАССИС:

**Ўзбекистон Республикаси
Олий суди**

ТАХРИР ХАЙЪАТИ:

Козимджан КАМИЛОВ
Робохон МАХМУДОВА
Икрам МУСЛИМОВ
Холмўмин ЁДГОРОВ
Бахтиёр ИСАКОВ
Светлана АРТИКОВА

Зарифжон МИРЗАКУЛОВ
Нодирбек САЛАЕВ
Замира ЭСОНОВА
Олим ХАЙИТОВ
Азиз МИРЗАЕВ
Бобомурод РАЙИМОВ

Навбатчи муҳаррир:

Сардор
ҲАМРОЕВ
Саҳифаловчи:
Шерзод
ХАЙРУЛЛАЕВ

Газета «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида офсет усулида босилди. Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
Манзиллими: Тошкент шаҳри, А. Қодирий кўчаси, 1-уй
Тел.: (0 371) 241-01-56, 239-02-54
E-mail: kuch-adolatda@mail.ru

Нашр индекси: якка тартибда - 574, ташкилотлар учун - 575.
Буюртма: Г-923. Қўғоз бичими: А-2. Ҳажми: 2 босма табоқ, Сотувда эркин нархда. Адади: 5010
1 2 3 4 5 6 Топшириш вақти: 22⁰⁰. Топширилди: 22¹⁵.